

Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни

ЖДПИ катта ўқитувчиси М.Қодирова
ЖДПИ талабаси М.Эгамова

«Биз аёл тимсолида, аввало Яратганнинг буюк мўъжизаси муқаддас она сиймосини кўрамиз ва барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб оқ тараган бу улуғ зотнинг олдида умрбод қарздорлик ҳисси билан яшаймиз».

И.Каримов.

Аёл – ҳаёт кўрки, умр қувончи, садоқатли йўлдош, мунис ва меҳрибон она, туғишган опа ва сингил, жигар қондош бўлган қиз фарзанд.

Оилавий бахтнинг калити. Садоқатли кунлар етакчиси. Донишмандларимиз айтганидек; «Эркак миллатнинг бугуни бўлса, аёл келажагидир».

Тоғликлар бир-бирин тушгач қасдига,
Узоқлардан етиб келсаю аёл
Рўмолчасин отса оёқ остига
Қўлларида тушар шу лаҳза қурол.

Аёллар! Қитъалар тиймай ўзини,
Қилич яланғочлаб бошлагунча жанг
Кўз ёш билан тўлган румолчангизни,
Эркаклар оёғин остига ташланг.

Ҳаётимиз асоси, кўрки ва миллатимиз келажаги аёл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб – бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт таълим-тарбия, маданият илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес тадбиркорлик бўладими мана шундай мураккаб вазифаларни аёллар самарали адо этиб келмоқдалар.

Табиат мўъжизалари, дов-дарахтлардаги ҳаёт нафаси ҳам гуёки аёл ғайратидан олингандек. Чунки бугунги кун аёлининг илми, иқтидори, заковати ижодкорлиги, яратувчанлиги дунёни яна бир қарра лол қолдирмоқда. Ўзликни англаш, баркамол шахсни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, тарихий кадриятлар, миллий анъаналар давомийлигини таъминлаш, хатто жамиятни демократлаштириш каби глобал

муаммоларни аёлсиз, унинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Табиатан нозик яралган аёл ўзининг мухтасаргина вужуди билан дунёларга татиғулик юмушларни бажармоқда.

Дунё мамлакатлари минбарларидан туриб мустақил Ўзбекистон номидан сўз айтаётган бугунги аёлларимиз-ўзининг шижоати мағрурлиги билан ўз даври аёлларидан ажралиб турган Бибихоним, Нодирабегим, Тўмарис, Зебунисо сингари зукко момоларимизни издошларидирлар аслида.

Мамлакатимиз келажаги Ўзбекистонни пойдевори бўлган келажак авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш мунис аёлларимиз зиммасида экан Мухтарам Президентимиз аёллардаги бундай маъсулиятни ҳис қилиб, ўтаётган йилларни «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Ёшлар йили» деб номланиши ҳам аёлга бўлган чексиз эҳтиромнинг ифодасидир.

Аёл ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш давлатимизнинг устивор вазифаларидан биридир. Ана шулардан бири аёлларнинг билим олиш ҳуқуқларидан биридир. Билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ва энг муҳими тенглик, тараққиёт тенглик каби мақсадларга эришиш воситаларидан биридир. Билим олишда тенглик кўп сонли аёлларни ислоҳатларини фаол иштирокчиларига айланишлари учун зарурдир.

Хотин-қизлар орасида илмлилик оилада соғлиқни сақлаш, овқатланиш ва таълим олиш соҳасидаги аҳволни яхшилашга ҳам катта ёрдам беради.

Оналар билими юқори бўлган оилаларда;

- иқтисодий аҳвол яхши бўлади;
- болалар ўлими кам содир бўлади;
- фарзандлари фан ва техниканинг янги йўналишларини тезда ўзлаштириб олади;
- ўз қизларига оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбиялаш ҳақида кўпроқ маълумот берадилар;
- фарзандлари учун жамият ва оилада ўз мавқеини англаш учун шароит ярата оладилар;
- ўз фарзандларини оилавий ҳаётга тўғри тарбиялаб борадилар;
- атрофдаги ҳодиса воқеаларни тўғри таҳлил қилишга ўргатадилар;
- фарзандларини ҳаётда уз ўрнини топишига, билим олиши, касб танлашларида яқиндан кўмакчи бўладилар.

Дунё яралибдики ҳар бир жамият аёлларни эъзозлайди, улуғлайди. Шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳам ўз асарларида аёлларни улуғлайди, оналарни улуғлашга даъват этади.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзал жаннати жинон боғи
Равза богин висолин истар эрсанг
Бул онани оёғин туфроғи.

Дарҳақиқат ҳар бир инсон ҳар қандай оғир кунда ҳам «ОНА!» дейди ва бундан дарди енгиллашгандек ҳис этади. Демак, аёл борки олам мунаввар аёл яратувчи аёл бахт бергувчи, таърифига сўз ожиз.